Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 13 (5304).
16 ЯНВАРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1984 йил
4 МАРТ
СССР Олий Советига сайловлар

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети СССР Олий Советига сайловларга тайёргарлик масалаларига муҳим эътибор бермоқда.

Бирлашма қошидаги агитпунктда ишлар жонлантириб юборилган. 120 нафар агитатор совет сайлов системаси, социалистик демократиянинг танганаси ва бошқа мавзуларда мароқли суҳбатлар уюштирмоқдалар. Агитпункт мудири Равиль Абаев улар билан йиғилиш ўтказиб, аниқ режаларни тузиб олди. Агитпунктда янги газета ва журналлар, зарур адабиётлар қўйилган. Клубда эса ранг-баранг мавзуларда лекциялар ўқишга эътибор қаратилмоқда. Шуниси характерлики, Советларга сайловларга тайёргарлик ишчи коллективларининг меҳнат ва сиёсий кўтаринкилигини янада жўш урдиришда муҳим омил бўлмоқда.

МАРОҚЛИ ЭКСКУРСИЯ

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари истиқомат қилаётган янги район ёш сайловчилари республика пойтахти бўйлаб экскурсия қилдилар. Экскурсияларни ёшлар ётоқхоналарида, ҳунар-техника билим юртларида ва мактабларда ишлаб турган агитпунктларнинг коллективлари уюштирдилар.

Бирлашманинг донгдор ишчилари — СССР Олий Совети депутати, электромонтажчил а р бригадири Т. Д. Маклеева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, слесарь Л. П. Требухин экскурсия раҳбарлари бўлишди. Улар ёшларга корхонанинг эллик йиллик тарихи ҳақида, СССР Олий Советига аввалги сайловдан кейин ўтган вақт ичида шаҳарнинг ҳаёти ва қиёфасида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилиб бердилар.

Бугунги кундаги ажойиб ўзгаришлар агитпунктлар деворий газеталаридан яққол кўринниб турибди. Атрофда жуда катта қурилиш авж олиб кетган: ўтган йилнинг ўзидагина авиасозларнинг салкам 6 минг оиласи янги районда квартира олди, шу ернинг ўзида поликлиника, савдо маркази, учта болалар боғчаси очилди.

(ЎзТАГ).

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

КАТТА ШАРАФ

Қорақалпоғистон АССР Ленинобод районидаги Свердлов номли совхозда бўлиб ўтган сайловолди йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Наима Маҳмудовна Маҳмудовани** 567-Ленинобод сайлов округидан бир овоздан СССР Олий Совети Миллатлар Советига депутат қилиб кўрсатдилар.

Бухоро-1 темир йўл станцияси локомотив депосининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг сайловолди йиғилиши Совет Иттифоқи Маршали **Павел Фёдорович Батицкийни** 581-Бухоро сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари бирлашма бош директори **Виктор Николаевич Сивецни** 601-Тошкент-Киров сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Жамбой пахта тозалаш заводининг коллективи ёзувчи **Вадим Михайлович Кожевниковни** 592-Булунғур сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига ўз номзодимиз бўлсин, дедилар.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати меҳнаткашларининг йиғилиши шу корхона контроль-ўлчов асбоблари ва автоматлар цехининг электр слесари комсомол аъзоси **Ирина Борисовна Пулинани** 120-Чирчиқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

(РЕПОРТАЖ)

Шаҳримизнинг серқатнов магистралларидан бири — Энгельс кўчаси бўйлаб борар эканмиз, бенихтиёр юлдузларга бўй чўзган телевизион минора эътиборни тортади. Ҳа, жонажон республикамиз пойтахти илғари территориясининг катталиги билан мамлакатда олдинги ўринлардан бирида бўлган бўлса, эндиликда қадди-қомати жиҳатидан ҳам энг баланд шаҳарлардан бирига айланди. Унинг 375 метрли улкан телевизион минораси сайловдан сайловгача бўлган даврда бунёд этилди.

Осмонўпар минораниг пойида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонлари, қўркам боғи жойлашган. Ютуқларимиз кўпаймоқда, уларни акс эттирувчи павильонлар ҳам кенгайтирилмоқда.

Тошкент алоқа институтининг телеминора яқинида, виставка рўпарасида жойлашган бинои байрамона безатилган.. Унинг пештоқида қизил алвонларга «СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 48/168-сайлов участкаси», «Агитпункт», «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни» деб ёзиб қўйилибди.

Чиройли қилиб безатилган агитпункт хонасига кирганимизда уч киши сайловчилар рўйхатини кўздан кечираётган эди. Булар агитпункт мудири, радио алоқа ва радиотехника системалари кафедраси ўқитувчиси У. М. Ёқубова, институт партия комитети вакили, доцент А. И. Копров ва навбатчи агитатор, техника фанлари кандидати Ф. А. Қузаҳмедовалар экан.

Агитпункт мудири Умида Мирраҳимовна Ёқубова навбатчи агитатор журналини, агитаторларнинг ишлари ёзиб бориладиган журнални, сайловчилар ўртасида ўтказиладиган тадбирлар ёзиб бориладиган журнални ва сайловчилар наказлари ва исткалари ҳисобга олинадиган журнални кўрсатди. Қизил алвон ёзилган столлар устига сайловга оид адабиётлар, янги газета ва журналлар тартиб билан териб қўйилибди. Деворга эса сайлов участкасининг чизмаси осилган бўлиб, унда ҳар бир агитатор иш олиб борадиган кўчалар белгилаб қўйилибди.

Бу ерда агитаторларнинг самарали ишлашлари учун ҳамма нарса муҳайё. Улар радио, телевизор, телефон, ёзув машинкасидан бемалол фойдаланишлари мумкин. Юрист-консультант Р. Бекмаматова учун алоҳида стол ажратилган.

— Сайловчилар рўйхатини тайёрлаш ишларини ниҳоясига етказяпмиз. Эндиги асосий вазифамиз аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, лекция ва суҳбатлар юқори савияда ўтказилишига эришишдан иборат,— дейди Умида Мирраҳимовна. — Чунончи фалсафа фанлари доктори, профессор С. Я. Свирскийнинг «Халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати», КПСС тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори А. Ғ. Абдунабиевнинг «Социалистик демократия ва совет сайлов системаси» мавзуидаги лекция ва суҳбатлар ёш сайловчиларга манзур бўлди.

Шунингдек, агитаторлар ёш сайловчилар билан суҳбатларда уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, сайлов участкаси территориясида сайловдан сайловгача рўй берган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беришяпти. Бундай ўзгаришлар эса ончагина. Буни шу институт. мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда ёшларнинг пухта билим олишлари учун қатор қулайликлар яратиб берилди. Учта тўққиз қаватли замонавий ётоқхона корпуслари, ҳар бири 250 ўринли иккита ошхона фойдаланишга топширилди. Стадион, бассейн қурилди. Институт территорияси кенгайтирилиб, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Агитаторлар Низомий, Фирдавсий, Тимирязев, Ж. Обидова, Бодомзор кўчаларида яшовчи аҳоли ўртасида сайловолди тушунтириш ишларини қизғин олиб боришяпти. Бу ишда айниқса, С. Шокиров, Р. Шагай, В. Чупик, Б. Романенко, Г. Миробидова кабн агитаторлар ғайрат кўрсатишяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, 129 агитаторнинг ҳаммаси олий маълумотли кишилар. Уларнинг кўпчилиги фан докторлари ва кандидатлари.

Биз агитпунктдан чиқаётганимизда оқшом тушаётган бўлишига қарамай, ҳамма агитаторлар бу ерга йиғилишаётган эди. Кимдир включателга қўл чўзди. Агитпункт чироқлари порлади. Агитаторлар навбатдаги ишларни режалаштириб олишга йиғилишган. Олдинда эса масъулиятли вазифа турибди. Бу вазифа катта сиёсий ва давлат аҳамиятига молик воқеа — СССР Олий Советига сайловларни зўр уюшқоқлик билан ўтказишдан иборат.

М. МУРОДОВ.



Шаҳримиздаги 29-мактаб биносига жойлашган агитпункт коллективи сайловолди ишларини қизғин бошлаб юборди.

СУРАТДА: тажрибали агитатор, мактаб рус тили ўқитувчиси М. Пинхасова.

Т. Каримов фотоси.

ПРАВДА саҳифаларида

● «Обком нималарга қодир» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада янги сайланган область партия комитетларининг олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилади.

● «Ватанимизнинг бир куни» рубрикаси остида газетанинг ҳамда ТАСС мухбирларининг мамлакатимиз ҳаётига доир хабарлари босилган.

● Меҳнаткашларнинг редакцияга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари эълон қилинган.

КУН ТАРТИБИДА — ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МУҲОФАЗАСИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси ходимларининг кенгашида ўтган йилги иш якунлари ва бу йилги фаолиятнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Нутқларда КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишларни янада кенг авж олдириш учун кўпгина ишларни бажариш лозимлиги таъкидланди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР ички ишлар министри милиция генерал-майори Н. И. Иброҳимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

А. ПЕЧОРИН.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАМАЙТИРИШ — МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ТОПШИРИҚ

ОММАВИЙЛИК КАСБ ЭТГАН ПРОЦЕНТ

Совет халқининг меҳнат таржимаи-ҳоли жуда кўп ташаббусларга бойдир. Улар ҳамиша давр руҳи ва талабларига мос бўлган. Ўзингизга маълум, ҳар бир давр ўз қаҳрамонларини яратади. Алексей Стаханов, Николай Злобин, Валентина Гаганова, Дилбар Қулматова, Турсуной Охунова ва бошқа ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари номини ким билмайди, дейсиз.

Ҳа, ҳар бир давр янги қаҳрамонларни яратади! Тошкент шаҳри саноат корхоналари, қурилиш, автотранспорт ташкилотларининг тўққиз энг яхши бригадири партиямизнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан даъватига «Лаббай!» деб жавоб бердилар. Бу ташаббус минг-минглаб тошкентликлар қалбида акс-садо уйғотди. Негаки, бу ташаббус маҳсулот ишлаб чиқаришни тубдан кўпайтиришнинг жуда катта имкониятларини очиб бериши билан қимматлидир. Меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш йиллик топшириққа қўшимча равишда 38 миллион сўмлик буюм ишлаб чиқариш имконини беради. Бу — биргина Тошкент шаҳрининг ўзидагина! Шу рақамга бир разм солайлиг-а. Мамлакат халқ хўжалиги қўшимча суратда ўнлаб тракторлар, «зангори кема»лар, минглаб погон метр газламалар, юз минглаб сўмлик кенг истеъмол моллари олади.

Ҳа, бир процентнинг қадр-қиммати ана шундай.



ҚУРУВЧИЛАР РЕЗЕРВИ

Беш йиллик бошидан буён республика пойтахтида 300 минг квадрат метрга яқин саноат ишлаб чиқариш майдонлари, 2,5 миллион квадрат метр сатҳли турар жойлар, 32 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 9400 ўринли болалар боғчалари, 1320 ўринли шифохоналар, 2750 кишини қабул қиладиган поликлиникалар қурилди.

Шаҳарда қурилиш миқёси қанчалик катта бўлмасин, унинг суръатлари ҳали аҳоли эҳтиёжларини тўла қондирмаётир. Шунинг учун ҳам ҳозир партиямизнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан даъвати жуда актуал аҳамият касб этади.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш нималар беради? Фақат «Главташкентстрой» системасидагина бу бир йил ичида ҳозирги ишлаб турган қурувчилар сонини кўпайтирмасдан, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 20,5 миллион сўмлик кўпайтириш имконини беради! Бошқача қилиб айтганда, планга қўшимча суратда 13 минг квадрат метр уй-жой ёки 320 ўринли 6 та болалар боғчасини фойдаланишга топшириш мумкин.

СИФАТГА ХАЛАЛ БЕРМАЙ

Арзон қуриш. Маҳсулотни хом ашё, материалларни, иш вақтини озроқ сарф қилиб тайёрлаш... Бу ҳаммасини сифатга ҳалал бермасдан бажариш. Бугуни кунда саноат, қурилиш ташкилотлари ходимлари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири ана шундир. Бироқ, хўжасизлик, барча ресурсларнинг турларидан оқилона фойдаланилмаслик натижасида маҳсулот таннархи ҳеч бир асоссиз равишда ошиб кетмоқда. Масалан, ўтган йили шаҳардаги бир қатор корхоналарда ёғоч, цемент, ортиқча сарф этилгани қайд этилган.

Ҳозирги иқтисодий шароитларда буюмларнинг қимматлашуви корхона фондларида акс этиб турибди. Шунинг учун ҳам партиямиз қўйган асосий вазифалардан бири — меҳнат коллективлари маҳсулот таннархини камайтиришга эришишлари лозим. Агар бутун шаҳримиз бўйича маҳсулот таннархи 0,5 процент камайтирилса, кишиларнинг социал-маданий эҳтиёжлари ва корхоналарни ривожлантириш учун яна 11 миллион сўмдан знёд маблағ ажратиш имконияти туғилади.

БОШ МАҚСАДИМИЗ

Совет халқининг турмуш даражаси унинг меҳнати натижаларига бевосита боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, унинг самарадорлиги ҳам шунчалик ошаверади. Маҳсулот таннархи ҳамиша унга сарфланган маблағлар, меҳнат унумдорлиги билан, бунинг натижаси ўлароқ маҳсулот таннархини камайтириш билан боғлиқдир. Маҳсулот таннархини камайтиришдан келадиган иқтисод қўшимча пул фондига бориб қўшилади. Бунинг муайян қисми эса дам олиш уйлари ва санаторийлар, болалар боғчалари, клублар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари қуришга сарфланади. Бу тежам ишчи ва хизматчиларга аъло ишлаганликлари учун мукофотлар ёзиш имконини беради, қисқаси, аҳолининг реал даромадлари янада кўпаяди. Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумидаги нутқи текстида таъкидлаганидек, «экономика соҳасидаги ҳамма кучғайратларимиз оқибат натижада халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган. Бу планларимизнинг бош социал-сиёсий мақсадидир».

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ташаббускорлар сафида бўлайлик

«Ташметрострой» трести биринчи қурилиш-монтаж бошқармасининг проходкачилар бригадаси бошлиғи И. Лисий смена бошланиши олдидан йигитларни бироз тўхтаб туришларини сўради.

— Ўтган йили бажарган ишларимиз чакки эмас, —деди Иван Степанович,—план кўрсаткичларни барвақт бажардик. Энди оширилган социалистик мажбурият қабул қилдик — биринчи кварталда «Ойбек» станциясининг вестибюлини пардозлашга топширишимиз ва 1985 йилнинг 1 январида беш йилликни ниҳоясига етказишимиз керак.

—Мамлакатимиз меҳнаткашлари олдига янги-янги вазифалар қўйилганлигини биласизми! — деди у, стол устига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленумидаги нутқи тексти эълон қилинган газетани кўяр экан.— Бу ерда эътиборингизни бир сўзга қаратмоқчиман: «...Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари айтайлик, бир процент оширишга ва маҳсулот таннархини 0,5 процентга пасайтиришга эришиш...» Бу ерда ўйлаб кўрадиган режаларимиз бор...

— Чиндан ҳам, —деб уни қўллаб-қувватлади проходкачи А. Кузьмин, —ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этмаслигимиз оқибатида пландан ташқари кўрсаткичларга баракали таъсир этадиган қимматли дақиқаларни йўқотяпмиз.

Ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини қидириб топиш, сменани янада аниқ ташкил этиш, планга қўшимча топшириқ сингари партия қўйган вазифаларни коллективнинг ҳар бир аъзоси ўзининг жонажон ишидек қабул қилди.

Пленум материаллари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Шаҳарнинг барча меҳнат коллективларида бу топшириқларни кенг муҳокама қилиш воситаси бўлиб қолди. Кўпгина бригадалар ўз имкониятлари ва йилга олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқишга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси навбатдаги мажлисида меҳнат унумдорлигини янада ўстириш, маҳсулот таннархини янада камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва интизомни мустаҳкамлаш бўйича шаҳардаги тўққиз илғор бригаданинг ташаббусини маъқуллади.

Республика пойтахти ишчиларининг шон-шуҳрати ҳақидаги мисоллар талайгина. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, беш йилликнинг бошида етти илғор ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Минглаб ишлаб чиқарувчилар уларнинг ташаббуси изидан боришмоқда. Ана шундай кишиларнинг ғайрати туфайли мамлакат қишлоқ хўжалиги учун пахта териш комбайнлари, тракторлар , компрессорлар, енгил саноат буюмлари, халқ истеъмоли молларинни ишлаб чиқариш бир мунча кўпайди. Улар ўтган йилнинг ўртасида беш йиллик топшириғини бажаришганлиги тўғрисида рапорт беришди.

Бугунги кунинг ташаббускорлари газета саҳифасидан бизга қараб туришибди. Уларнинг чеҳрасида турмуш ҳақидаги ўйлар, қалбдан қаяжонланиш, тантанали дақиқалар яққол сезилиб турибди. Ҳозиргина улар партияга ўз ишлари ва фикрлари тўғрисида, қандай меҳнат қилишаётганлиги, фикрларини ҳаётга қандай тингдиражаклари ҳақида айтиб беришди.

Социалистик мусобақа Коммунистик партиянинг алоҳида диққат-эътиборида турибди. Бу хўжалик қурилишининг синалган методи, кенг оммани активлаштиришнинг қудратли воситасидир. Ҳозирда ҳам В. И. Кияшченко, Л. Л. Недорезов, Б. М. Айменова, О. Г. Карпова, О. В. Павлова, Ш. Т. Шаҳобиддинов, Ҳ. Ш. Зокиров, И. С Лисий, М. М. Абдуллаевлар бошлиқ илғор бригадалар коллективларидан Тошкентнинг кўпгина меҳнатчилари намуна олмоқдалар.

Улар ўзининг аниқ мақсадини синчиклаб пишиқтириб кўришмоқда, имкониятларни таққослашмоқда, аниқ мақсадга таяниб мажбурият олишмоқда. Беш йилликнинг муваффақияти кўзга яққол ташланиб турган ҳозирги кунларда ҳар бир кун қайноқ самарали иш куни, меҳнат ўлчови, жасорат ўлчови бўлмоғи учун энг қатъий тадбирлар белгилаб олиниши керак.

Бундай ташаббускорлар изидан биргина саноат корхоналарининг эмас, балки бутун халқ хўжалиги барча соҳаларининг юзлаб ва минглаб меҳнатчилари ибрат олиб боришлари лозим. Йиғилишларда бу ватанпарварлик ташаббусини муҳокама қила туриб, унинг ҳар томонлама ривожланишига мадад бериш лозим. Мусобақа пешқадамларининг тажрибасини кенг ёйиш, меҳнат беллашуви натижаларини ҳар куни якунлаб бориш, эришилган натижаларнинг муштараклигини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш бўйича тадбирлар комплекси билан қўшиб олиб боришни таъминлаш, унинг самарадорлигини ошириш совет кишиларининг фаровонлигини юксалтиришда янги-янги муваффақиятларга эришишда қўл келади. Бу Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига энг муносиб армуғон бўла олади.

ҲАММА КЎРСАТКИЧЛАР ЯХШИЛАНАДИ

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларига амал қилиб, беш йилликнинг саноат ишлаб чиқариши ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича уч йиллик планини ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. 1983 йилда пландагидан ташқари 1,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, меҳнат унумдорлиги 5 процент ошди ва товар маҳсулоти ортишининг 98 процентн унумдорлик ҳисобига таъминланди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш плани ошиғи билан бажарилди. Ишга туширилаётган объектларга шартномалар ва нарядлар бўйича маҳсулот етказиб бериш белгиланган муддатларда амалга оширилди.

Бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларига амал қилиб ҳамда иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаш имкониятларидан фойдаланиб, 1984 йилда зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар.

Ишлаб чиқариш ҳажми, норматив соф маҳсулот, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича йиллик план муддатидан илгари — 29 декабргача бажарилади. Тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятлар ҳисобга олинган ҳолда маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши таъминланади.

Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иш вақтининг йўқолиши, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига пландагидан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

Меҳнат унумдорлигининг планда назарда тутилган 4,3 процент ўрнига 5,3 процент ортишига эришилади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ортиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади. Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш ҳисобига 1,5 миллион сўмлик иқтисодий самара олишга ҳамда шартли ками билан 380 ишчини бошқа ишларга ўтказишга эришилади.

Ишчи, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархи пландагидан ташқари 0,5 процент камайишига эришилади.

Бирлашма меҳнаткашлари зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, ўтказилаётган иқтисодий эксперимент шароитларида муваффақиятли ишлаш учун бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар ва бу билан КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди белгилаган вазифаларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Биз областимиздаги барча меҳнат коллективларини саноат маҳсулоти таннархини қўшимча камайтирган ҳолда меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари ошириш юзасидан ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар бирлашма коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

● «Тошкент оқшоми»да босилган мавзуга қайтиб

ВАЪДАЛАР ФАҚАТ ВАЪДАЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

ЁКИ НЕГА ПОЧТА ИШИДА ЎЗГАРИШ ЙЎҚЛИГИ ҲАҚИДА

Ҳар куни юзлаб хилма-хил хабарларни қабул қиламиз. Кўплаб газета ва журналлар, справочник ва бюллетенлар, радио ва телевидение бизга ана шу хабарларни етказиб туради. Баъзида бу янгилик ва хабарлар оқимида шошилиб қоламиз. Аммо обуна бўлган газеталари ўз вақтида етказиб берилмаётган айрим газетхонларимиз бу масалада ўзларини анча «хотиржамроқ» сезмоқдалар.

«Ўтган йилда, — деб ёзади Тошкент область Оржоникидзе районидаги геофизиклар посёлкаси 306-уйда яшовчи Афанасьева ўз хатида, — шанба кунлари чиқадиган «Ташкентская неделя» газетаси ўз вақтида келган кунларни бармоқ билан санаса бўлади. Кейинги пайтда почтани ўз вақтида олиб келиш тамомила изсан чиқди. Ахир обуна газета ва журналларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш лозим-ку...»

Почта ходимларининг бундай хотиржамлиги ва масъулятсизлигини қандай изоҳлаш керак! Нега энг аввало бугунги кун талаблари бўйича иш олиб бориш лозим бўлган бу соҳада ибтидоий усул ҳукм сурмоқда! Бунга кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин. Газетхонимиз Понорзин «Ташкентская неделя» газетасини ўз вақтида олишига ёрдам бериш учун биз унинг мактубини почта алоқаси шаҳар ишлаб чиқариш-техника бошқармасига йўлладик. У ердан шундай жавоб олинди: «72-алоқа бўлими сараловчиси Г. Ибраевнинг айби билан 1983 йил 20 ноябрь кунги газета чиндан ҳам Понорзинга етказиб берилмаган. Белгиланган тадбирлар натижасида ана шу газета обуначига 16 декабрда етказиб берилди».

«Ажойиб» жавоб! Почта ходимларининг тезкорлигини тошбақа ҳаракати билан қиёсласа бўлади. Конкрет факт текшириб чиқилган, айбдорлар жазоланган, газета етказиб берилган... Аммо у энди газетхонга керакми! Ундаги хабарлар шунча вақтдан кейин қандай фойда келтиради! Бундай ҳодисалар тез-тез такрорланиб туради. Деярли барча почта бўлимлари «Тошкент оқшомини иккинчи, баъзида эса учинчи куни етказиб бермоқдалар. Айрим журнал номерлари, хатларнинг йўқолиши, сабабсиз кечиктиришлар ҳам тез-тез учраб туради. Ўзбекистон ССР Алоқа министрининг ўринбосари Л. А. Абаева ўтган йили газетамизда эълон қилинган жавобида бу борада амалий тадбирлар белгиланиши, газета-журналларни етказиб бериш назорат остига олиниши ҳақида обуначиларни ишонтирган эди-ку!! Жойлардан келаётган асосли, ташвишли хабарлар бизни илгари босилган мавзуга яна қайтишга мажбур этди.

Газетамизнинг шу сони тарқалаётган бир пайтда редакцияга янги хабарлар келди. Уларда ҳам газета ва журналларнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ҳақида сўз боради. Жумладан, 117 [Т. Раҳимжонов — Ш. Руставели кўчаси, 139], 174 [Ю. Муҳамедов — Мирза Ғолиб кўчаси, 5], 132 [М. Алимова — Шоҳ 1-проезд, 47], 147 [И. Головко — Мўйноқ кўчаси, 148], 156 [В. Семёнов — Чилонзор, Д—19, 33-уй, 61-квартира], 42 [Потай — Аҳил 5-проезд, 6] алоқа бўлимларида худди шундай ҳол юз бермоқда. Аммо почта ходимлари камчиликларни бартараф этишга шошилмаяптилар, ўзларини оқлашга объектив сабаблар қидирмоқдалар.

Деярли 2 миллионли шаҳар обуначилари Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигидан матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб бериш масаласини узил-кесил ҳал этишни, белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмай, амалга оширилишини кутмоқдалар.

1984 йил
4 МАРТ
СССР Олий Советига сайловлар

АГИТПУНКТ ЧОРЛАЙДИ

РЕПОРТАЖ

Сергели райони агитпунктлари меҳмондўстлик билан эшикларини очди. Улардан бири 140-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида жойлашган. Биз бу ерга район Совети ижроия комитети раиси ўринбосари А. Е. Юшина билан келдик. Лекин, Алла Евгеньевна ичкарига киришга шошилмади.

— Қаранг, — деди у қаторлашиб турган уй-жойларни кўрсатиб. — Бу «Сергели — 2» массиви. СССР Олий Советига бўлиб ўтган аввалги сайловлар пайтида бошқа массивлар қатори «Сергели — 2» ҳам эндигина қурила бошланган эди. Уй-жой қурилишининг миқёсини қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади: тўрт йил мобайнида Сергели районида 586 минг квадрат метрдан энёд уй-жой, бешта мактаб, ўнтадан ортиқ болалар боғчаси қурилди. Жамоат савдо маркази, ярмарка, болалар поликлиникаси, омонат кассалари, алоқа бўлими, савдо ва маиший хизмат корхоналари очилди. Ўтган даврда аҳоли сони 57 минг кишидан 84 минг кишига кўпайди.

Ана шу 140-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти биносида овоз бериш учун 4 март куни 84 минг кишидан 2 мингтаси келади.

Биз агитпунктга келганимизда сайловчиларни қабул қилиш учун охирги тайёргарлик ишлари олиб борилаётган эди. Агитпункт ўз меҳмонларини саранжом-саришталик билан кутиб олади. Уларнинг ихтиёрида газета ва журналлар бўлади. Мана бу жой эса ёш сайловчи бурчаги.

— «Сергели — 2» массиви, — дея ҳикоя қилади агитпункт мудири, билим юрти директори А. Д. Олимхонов, — ҳали ёш. Унинг аҳолиси ҳам ёш. 20 га яқин киши сайлов қутилари ёнига биринчи марта келади. Ўнлаб кишилар эса иккинчи марта овоз беришда қатнашади. Биз ёш сайловчи бурчагини ташкил этар эканмиз, ана шуларни назарда тутдик.

Бу ерда турли адабиётлар анчагина. Лекин, ҳуқуқ тарбияси, ёшларнинг коммунистик қурилишдаги роли га бағишланган адабиётлар кўпроқ. Ёшлар мавзуида бир қанча плакатлар бор.

Агитпунктга келган ёшлар ҳам, кексалар ҳам зерикишмайди. Бу ерда ўтказиладиган тадбирлар ҳамманинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Билим юрти ўқитувчилари ва «Билим» жамияти район ташкилотининг лекторлари иштирокида КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил). Пленуми материаллари ва бошқа мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Халқ чолғу асбоблари ансамбли сайловчилар учун тайёрланган программасини намойиш этади. Бу ерда район маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг концертлари ҳам ўтказилади.

Агитпунктда ўтказиладиган дастлабки тадбир — партия, меҳнат ветеранларининг ёш сайловчилар билан учрашуви бўлади. Сергелиликларнинг икки авлоди бир-бирларига анчагина нарсаларни ҳикоя қилиб бера оладилар.

Бугун агитпунктда билим юрти ўқитувчиси Г. М. Аюпова навбатчилик қиляпти. У ветеранлар билан учрашувга келганларни очиқ чеҳра билан кутиб оляпти.

— Ҳозирча телевизор томоша қилиб турингг, — дея таклиф этади агитатор. — Мана бу ерда эса янги газета ва журналлар бор.

— Бошқа агитаторлар ҳозир қаерда, — қизиқсиниб сўрадик, биз.

— Участкага чиқиб кетишган. Ҳозир уларнинг асосий иши ўша ерда — сайловчиларнинг рўйхатлари тузиляпти, аҳоли турар жойларида суҳбатлар ўтказиляпти.

Сайловчилар ўртасида олиб борилаётган ишлар ғоят муҳим ва зарур. Лекин агитаторлар билан ишлашга ҳам катта эътибор бериляпти. Тажриба алмашиш юзасидан семинарлар, амалий машғулотлар ўтказилди. Агитпунктда агитатор бурчаги ҳам бўлиб, унда барча керакли адабиётлар муҳайё. Бу ерда янги «Чақмоқ» ҳам чиқарилиб, унга энг яхши агитаторларнинг фамилиялари ёзиб қўйилибди. Улар орасида коммунист Суннат Маҳмудов, комсомол аъзоси Раҳмат Муродов ва Г. М. Аюповaнинг фамилиялари бор.

Кечқурун агитпункт мудири А. Д. Олимхонов участкадан қайтиб келган агитаторларни суҳбатга чорлайди. Эртага яна да қизғин ва қизиқарли иш бошланади.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

* * *

Сергели районида СССР Олий Советига сайловларга катта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

СУРАТДА: 140-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти биносида жойлашган агитпункт мудири А. Олимхонов агитаторлар билан суҳбат ўтказяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ТИНЧЛИК ВАХТАСИ

Меҳнат вахтасида Сергели районининг барча корхоналари, ташкилот ва муассасалари коллективлари ишладилар. Уларнинг ҳар бири кунлик норма ёки топшириқни ошириб бажаришга интилдилар. Ҳар бир меҳнатчи шуни яхши тушунардики, мазкур тадбир муҳим ишга — ажойиб курамизда ядро ҳалокатининг олдини олиш ва ер юзида ҳаётни сақлаб қолишга қаратилган эди.

Бу коммунистик шанбалик район меҳнаткашларининг ўз ташаббуслари билан вужудга келди. Сергелиликлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг АҚШ ва НАТОнинг бошқа мамлакатлари раҳбарларига Баёнотини қўллаб-қувватлаб, район бўйича бир иш кунида тушган ҳамма маблағни Совет тинчлик фонди ҳисобига ўтказиш таклифини илгари сурдилар. Районда бунга бағишлаб ўтказилган митингда (унда 3 минг киши қатнашди) «Меҳнатимизни — тинчликни ҳимоя қилишга, атом уруши хавфига қарши курашга бағишлаймиз!» деган сўзлар асосий шиор бўлди.

Митингда сўзга чиққан ҳар бир киши шахсан ўзи ва бутун коллектив юксак унум билан меҳнат қилишга интилажагини, бу меҳнати билан эса тинчлик учун курашга хизмат қилаётганини айтди. Митингда 7 январь куни район миқёсида коммунистик шанбалик ўтказишга аҳд қилинди.

Шанбаликда ўн беш минг сергелилик зўр иштиёқ билан меҳнат қилди. Айниқса «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Октябрь 50 йиллиги» бирлашмасининг меҳнатчилари, 243-авиаремонт заводи, 3-автокорхона ишчилари ва бошқа меҳнат коллективлари ўрнак бўлдилар. Сергели райони меҳнаткашлари Совет тинчлик фондига шу куни салкам 20 минг сўмлик иш ҳақини ўтказдилар.



СУРАТДА: «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-цехида тайёрланиб, пахтакорларга жўнатишга тахт қилиб қўйилган чигит экиш сеялкалари.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА ХАТЛАР

Имтиёз бор-у телефон йўқ

Биз кексалар бугунги кунда қайга бормайлик иззат-икром кўрсатишади. Кексайганимиз учунгина эмас, балки қирчиллама ёшимизда жангларда жон олиб, жон берганлигимиз учун шундай ҳурмат кўрсатишади деб ўйлайман. Телефон олишда ҳам бизларга имтиёз борлигини эшитиб, бундан тўрт йил олдин шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармасига ариза топширдим.

Бир-икки йил ўтгач, у ерга бориб аризам нима бўлганини суриштирдим. «Али ака, сиз рўйхатда биринчисиз» деб кўнглимни кўтаришди. Илгари мен рўйхатда иккинчи эдим. Мендан олдин қўшним, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Тожибой Эгамбердиев бор эди. Унга телефон тушириб беришди. Яхши бўлди, қария хурсанд. Энди менга навбат деб мен ҳам хурсанд бўлдим.

Афсуски, барвақт хурсанд бўлган эканман. Яқинда бир вақт топиб, ўша идорага борган эдим яна таскин беришди. Лекин рўйхатда яна иккинчи ўринга тушиб қолганимни кўриб аввал ҳайрон бўлдим. Кейин бугун иккинчи ўринга тушган одам эртага рўйхатдан умуман тушиб кетмасам эди, деб жуда хафа бўлиб кетдим.

Кейин урушнинг оғир кунларини эслаганда битта телефон бўлмаса бўлмас, шу ҳам ташвиш бўлибдими, деб ўзимга ўзим таскин бердим. Лекин кўнгилдаги хижиллик барибир кетмади.

А. ДУСТМУҲАМЕДОВ,
Огаҳий кўчаси, 1-тупик, 48-уйда яшовчи.

РЕДАКЦИЯДАН: Улуғ Ватан урушн инвалидлари ва қатнашчиларидан телефон масаласида редакцияга келаётган хатларнинг кети узилмайди. Чунончи, Қизил тамға кўчасининг 1-проездидаги 16-уйда яшовчи уруш инвалиди 74 ёшли У. Расулов, Гастелло кўчасидаги 48-уйда яшовчи уруш инвалиди Қ. Зокиров, Мусаффо кўчасининг 1-проездидаги 1-уйда яшовчи уруш ва меҳнат ветерани, 82 ёшли А. Мирзаматовлар телефон ололмай сарсон бўлиб юришганини баён қилишган. Бошқармадагилар уларга имтиёз борлигини инкор этишмайди. Лекин, телефон қачон ўрнатиб берилишини ҳам аниқ айтиб бера олишмайди. Қуруқ ваъда бераверишади. Редакцияга берилган жавобларда эса «янги қувватлар ишга тушмаётганини» рўкач қилишаверади. Ишлашни хоҳлаган имконият, хоҳламаган баҳона қидиради, деганлари шу бўлса керак. Баҳонанинг чеки бормикан?!

Хўрандалар ранжимоқда

Биз Самарқанд дарбозадаги маҳаллада яшовчилар шуни маълум қиламизки, маҳалламиздаги «Самарқанд» чойхонасининг хизматидан жуда ҳам норозимиз. Ресторандаги овқатлар жуда ҳам бемаза. Чойхонадаги кабобни яхши пиширмасдан, нархи 37 тийин бўлса-да, 45—50 тийиндан сотишади.

Касса ишламайди. Кичкина чойнакдаги чой 10—15 тийиндан сотилади. Кассир соат ўн бирларда келиб, кассани очиб кўйиб, ўзи йўқ бўлиб кетади. Меню йўқ. Равшан деган йигит гўштнинг 1 килограммини 4 сўмдан сотиши етмагандек, яна тароздан ҳам уриб қолади.

Чойхонада ҳеч қандай тартиб йўқ. Дуч келган одам спиртли ичимликларни олиб кириб бемалол шовқин-сурон қилади. Унинг мушугини ҳеч ким пишт демайди. Бўш шишани қолдириб кетса бас. Зал мудираси бу ердаги тартибсизликларга ўрганиб колгани учунми ҳеч ҳам аҳамият бермайди. Куни ўтса бас.

Шаҳар ресторанлар трести раҳбарлари бу камчиликларга барҳам бериб, хўрандаларга намунали хизмат кўрсатишни қачон йўлга қўйишади?

Маҳалла аъзолари номидан:
Р. ОМОНХУЖАЕВ.

● «Тошкент оқшоми» ёрдам берди

КВАРТИРА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ўтган йил март ойида 159-қурилиш трести нинг 53-қурилиш бошқармаси бўёқчиси Р. Аҳметдиновага квартира ордерини топширишди. У ётоқхона ҳисобидан чиқиб, айрим буюмларини янги яшаш жойи — Аносов кўчасидаги 6-уйга ташиб қўйди. «Қорақамиш 2/4» массивига кўчиб ўтишга тайёрланаётган пайтда... касал бўлиб, касалхонага ётди. Сўнгра, ўзининг квартирасига ордерсиз ва пропискасиз бошқа киши—10-қурилиш бошқармаси ишчиси Литвинов ўзбошимчалик билан кўчиб кирганини билиб қолди.

«Бу қанақаси ахир, — деб ёзган эди редакцияга Р. Аҳметдинова, — бу сурбет киши билан олишишга менинг кучим етмаяпти. Маслаҳат беринг, кимдан ёрдам сўрай!».

Ушбу хатга «Главташкентстрой» бошлиғи ўринбосари Қ. Солиҳовдан жавоб олинди. У Р. Аҳметдинованинг шикояти ҳаққонийлигини тасдиқлаб, хабар қилади: Собир Раҳимов райони халқ судининг қарори билан Литвинов ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган квартирадан кўчириб юборилди. Ҳозир бу ерда Р. Аҳметдинова яшаяпти.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
16 ЯНВАРЬ, 1984 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Куба сайлов арафасида

ГАВАНА. Кубада муҳим сиёсий кампания — халқ ҳокимияти муниципал ассамблеясига шу йил 15 апрелда ўтказиладиган сайловга тайёргарлик бошланди.

Мамлакатнинг турли сайлов округларида йиғилишлар ўтказилмоқда. Уларда халқ ҳокимияти маҳаллий органларининг депутатлари қилинган ишлар тўғрисида меҳнаткашларга ҳисобот бермоқдалар. Куба Компартияси Марказий Комитетининг матбуот органи «Гранма» газетасининг ёзишича, муниципал ассамблеялар ижроия комитетлари аъзоларининг сайловчилар олдидаги ҳисоботлари социалистик демократия кўринишининг яна бир ёрқин далилидир.

Ҳозирги кампания давомида, деди бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг раиси Ф. Браво, Куба меҳнаткашлари оммасининг тўла ишончини қозонган энг муносиб вакилларни депутатликка номзод этиб кўрсатадилар.

Халқ ҳокимияти маҳаллий органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кампанияси сиёсий ва меҳнат активлиги жўш урган вазиятда олиб борилмоқда. Бу кампания корхоналар ва муассасаларда Куба Компартияси Марказий Комитети VIII-пленумининг қарорини ўрганиш билан бир вақтга тўғри келди. Мазкур қарорда бу йилги вазифалар белгиланган ва уларни бажариш йўллари кўрсатиб берилган.

Куба меҳнаткашлари Марказий Комитет Пленуми белгилаб берган йўлни тўла-тўкис маъқулламоқдалар, социализм идеалларига садоқатни зарбдор меҳнат билан намойиш этмоқдалар ва халқ ҳокимияти маҳаллий органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликда ғоят актив иштирок этмоқдалар.

МУҚОБИЛ ПЛАНЛАР

ПРАГА. Чехословакия саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари 1984 йил учун муқобил планлар қабул қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш резерваларидан фойдаланиш соҳасидаги бу кенг оммалашган ташаббуси давлат топшириқларини тўлдирмоқда. Масалан, «ЧКД-ярим ўтказгичлар» корхонасининг ходимлари қабул этган муқобил планда маҳсулот ишлаб чиқаришни 9,5 процент, фойда олишни 18,1 процент кўпайтириш кўзда тутилган.

Прагадаги «Руде летов» машқ самолётлари деталларини ишлаб чиқарувчи бирлашмада коллективнинг муқобил планида 1,3 миллион кроналик хом ашё ва энергияни тежаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ва фойда олишни кўпайтириш белгиланган.

Халқ хўжалигига планли раҳбарлик системасини такомиллаштиришга оид тадбирлар комплекси муқобил планлар бажарилганлиги учун каттагина мукофот берилишини назарда тутади, бироқ белгиланган кўрсаткичларни илгаридан планли равишда асосламай туриб, стихияли равишда ошириб бажарган корхоналар рағбатлантирилмайди.

Совет Иттифоқи учун

БЕРЛИН. Ростокдаги «НЕПТУН—ВЕРФТ» кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқига аталган навбатдаги лой ирғитувчи денгиз кемаси қуриб битказилди. Бу кема Одесса портида ишлатилади. Акваториянинг чуқурлиги 24—25 метр бўлган жойда бу кема соатига 750 кубметр балчиқни кавлаб олиб ташлай олади.

Айни вақтда Висмардаги «Матиас-тезен-вер ф т » кемасозлик корхонасида 10 минг тонна юк сиғадиган «Кристалл—2» типидаги рефрижератор сузиш базасида совет байроғи кўтарилди. Ов кемаларидаги балиқ қабул этиб олинадиган кемаларнинг музлатиш камералари жами ҳажми 13 минг куб метрдан ошади. Совет Иттифоқи ГДР кемасозлик саноатининг доимий мижози бўлиб қолди.

Росток, Висмар, Штральзунд, Варнемонд, Бойценгбург корхоналарида СССР учун қуруқ юк ташиладиган кемалар, рефрижераторлар, контейнер ташувчи кемалар, денгизларда балиқ овловчи траулерлар, ҳозир Волга, Днепр, Дунай, бошқа дарёларда сузиб юрган шинам пассажир теплоходлар қурилмоқда.

Умуман ГДР кемасозлик корхоналарида Совет Иттифоқи учун узоқ муддатли битимлар асосида шу пайтгача ҳар хил типдаги 3.100 дан кўпроқ кема қуриб берилди.

Афғонистонда Апрель революцияси халқ маорифи системасини тубдан қайта қуриш вазифасини ҳам илгари сурган эди. Бундан беш йил муқаддам аҳолининг 90 процентқ ёзиш ва ўқишни билмаган бу мамлакатда ҳозир бошланғич, ўрта, ҳунар-техника ва олий ўқув юртларининг кенг тармоғи бунёд этилган. Саводсизликни тугатиш курсларида бир миллиондан зиёд киши таълим олмоқда. Бу курсларнинг кўпчилигида машғулотларни Афғонистон Демократик ёшлар ташкилотининг аъзолари кўнгилли равишда олиб бормоқдалар.

Улар орасида Мозори Шариф шаҳридан ёш ташаббускорлар Лайлумо Розикар ва Лайлумо Фурутанлар ҳам бор.

М. Олимов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

* * *

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Ренато Гуттузо машҳур итальян рассомидир. Унинг асарлари зўравонликка, ҳақсизликка, урушга қарши даъват руҳи билан суғорилган. Кўпчилик расмлари эса оддий меҳнат кишиси, унинг табиат стихияси билан курашига бағишланган.

«Панорама» журналидан олинган ушбу суратда Ренато Гуттузо ўз иш кабинетида.

ТАСС фотохроникаси.

ПЛАНЛАР БАРВАҚТ БАЖАРИЛАДИ

ПХЕНЬЯН. Анжу кўмир шахталари бирлашмасининг ишчилари республика меҳнаткашларига мурожаат этиб, КХДР халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи етти йиллик планининг ҳозирги тугалловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирдилар.

Шахтёрлар бу йил кўмир қазиб чиқаришни 90 процент кўпайтириш мажбуриятини олганлар, Бунинг учун учта янги корхонани тезроқ ишга туширишга, замонавий, серунум асбоб-ускуналарни активроқ жорий этишга қарор берилди. Новаторларнинг оммавий ҳаракатини авж олдириш, рационализаторлар ва ихтирочиларнинг таклифларини самарали жорий қилиш тадбирлари белгиланди. Ишчилар асбоб-ускуналарни тўла унум билан ишлатишни таъминлаш, унга техникавий хизматни яхшилаш, иқтисодий тежашни кучайтириш мажбуриятини олганлар.

Анжуда мамлакатда кўмир қазиб чиқариладиган ва энг узлуксиз ривожланаётган районлардан бири жойлашган. Кейинги беш йилнинг ўзида бирлашма меҳнатчилари халқ хўжалигига қимматли минерал етказиб беришни уч баравар кўпайтирдилар. Хавза шахталарини кенгайтириш ва реконструкция қилишда Совет Иттифоқи кўмаклашмоқда. Бу ерга Совет Иттифоқининг энг янги асбоб-ускуналари, шу жумладан қудратли проходка комплекслари юборилиб турилибди. Корейс шахтерлари СССР кўмир саноатининг бир қанча корхоналарига бориб касб ўрганиб келмоқдалар.

Кашфиётлар тараққиёт хизматида

Металларни занглашдан ҳимоя қилиш — муҳим халқ хўжалиги вазифасидир. Тошкентдаги Техниклар уйида бўлиб ўтган кашфиётчи олимларнинг республика семинари ана шу мавзуга бағишланди. Унинг қатнашчилари — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари, илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари, саноат корхоналари мутахассислари бўлиб, улар металлнинг асосий «душмани» — занглашга қарши курашнинг илғор методларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти олимлари бу борада олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Улар тингловчиларни занглаш жараёнларининг электрохимик назарияси, занглашнинг тезлигини аниқлашда тажриба электрохимик методлари билан таништирдилар, ундан кўриладиган иқтисодий зарарнинг натижасини аниқлаб бердилар.

«Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг газ қазиб чиқариладиган корхоналаридаги ускуналари ва газ қувурларининг занглашга қарши ҳимояси бўйича қандай ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида шу бирлашма мутахассислари тингловчиларга ҳикоя қилиб бердилар.

Бу семинарни ташкил этган металларни занглашдан ҳимоя қилиш республика идоралараро илмий-техника совети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти, Ўзбекистон илмий-техника ахбороти илмий текшириш институти ва Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ химия жамиятининг Ўзбекистон республика правлениеси тингловчилар учун тематик адабиётлар кўргазмаси, шунингдек илмий-оммабоп фильмлар кўригини ташкил этдилар.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди

Жасоратга мадад берганлар

Улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларида Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари навқирон фарзандларини фронтга юборишда бирга қўлидан келган барча ёрдамини аямаган. Айниқса, республикамизнинг турли шаҳарларида ташкил этилган махсус концерт бригадалари жанг майдонларига бориб, аскарларимизнинг руҳини кўтарган, ўзининг дилрабо ва ватанпарварлик қўшиқлари билан уларни ғалаба сари отлантирган.

Машаққатли жанг йилларида бундай маданий хизмат кўрсатган кишиларнинг сони 120 кишидан ошган. Эндиликда улар ғалаба нашидасини суриб, фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги олдидан Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида маданий хизмат кўрсатган концерт бригадаларининг қатнашчилари иштирокида учрашув ўтказилди. Бу учрашув Ўзбекистон Театр жамияти президиумининг актёрлар уйида бўлиб ўтди.

Унда СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Саида Сафарова, Меҳри Абдуллаева ва бошқалар ўша қаҳрамонона йилларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилиб бердилар, жанг майдонларида айтилган қўшиқларни куйладилар, жанговар рақсларни намойиш этдилар.

Техника тараққиёти йўлида

Қувват ошиб бормоқда

Урганч ёғ заводининг инженерлари чигитдан кўпроқ мой олиш проблемасини ниҳоят ҳал этишга муваффақ бўлдилар. Улар заводни янги мавсумга тайёрлаётиб, бир қанча муваффақиятли техник экспериментлар ўтказдилар.

Бош технолог А. Йўлдошевнинг таклифига биноан экстракция цехида иккита тостер аппарат монтаж қилинди ва унинг пухталиги синаб кўрилди. Лойиҳада кўзда тутилган шнекли буғлатгичлар ўрнига шу аппаратлар қўйилди. Эндиликда мой чиқарадиган линия ихчам, содда бўлиб қолди ва кўпроқ маҳсулот бермоқда.

Бошқа иш ҳам муваффақиятли чиқди. Пресловчилар ва слесарлар пресларнинг қувватини оширишга муваффақ бўлдилар. Бу нарса Шрот мойини икки-уч процент камайтиришга имкон берди. Бошқача қилиб айтганда, эндиликда шу процентлар чиқит билан кетмай яроқли озуқа маҳсулотига айланмоқда. Шундай қилиб бир йилда юзлаб тонна қўшимча мой ҳосил қилинадиган бўлди.

Энди заводдаги ҳамма бригадалар ўрнатилган машина-ускуналарни ўрганиб, уларни синаб кўрмоқдалар. Янги ҳосил чигити кела бошлаган пайтда бригадалар янги техникада ишлаш малакаси ҳосил қилган бўладилар.

(ЎзТАГ).

Хроника, воқеалар, фактлар

БЕРЛИН. Финов шаҳридаги прокат заводининг коллективи ГДР ташкил этилганлигининг 35 йиллигига юксак меҳнат кўрсаткичи — пландан ташқари 6.900 тоннадан кўп прокат маҳсулот ишлаб чиқариш билан кириб келди. Завод ишчилари эришилган муваффақиятга таянган ҳолда, янги йилда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини яна 1,5 процент ошириш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 25 процентдан зиёд юксалтириш мажбуриятини қабул қилдилар.

СОФИЯ. Баланд тоғли Боровец курортида янги дам олиш базаси очилди. Болгар ва чет эллик юзлаб туристлар ўз қишки отпускаларини шу ерда ўтказишлари мумкин. Кичик ёғоч ресторанлар, ҳаммом, дам олиш хоналари, кинозаллар жойлашган. Боровец мамлакатда қишда ҳордиқ чиқарадиган энг машҳур жойлардан бири бўлиб, унда яхши жиҳозланган спорт комплекслари билан бирга шифохоналар ҳам бор.

* * *

Шумен шаҳридаги машҳур «Фармахим» бирлашмасининг янги фабрикасига «Болгария атир гули» деб ном қўйилди. Фабрика косметика маҳсулотлари учун компонентлар, шу жумладан лимон креми, эфир, лаванда ва укром мойи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади. Бу йил фабрика коллективи 5 миллион левликдан зиёд миқдорда эфир мойи ишлаб чиқаришни режалаштирди.

РИМ. Ҳавонинг кескин совиб кетиши ва қор аралаш ёмғир ёққанлиги натижасида вужудга келган қаттиқ яхмалак Италия автомобиль йўлларида кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлди. Ўтган кечаю-кундуз ичидагина бу ерда ўн бир киши ҳалок бўлди, ўнлаб киши оғир жароҳатланди.

Мамлакатнинг кўп йўлларида машиналар тиқилиб кетди. Орвьето ва Фабро шаҳарлари ўртасидаги ҳаракат бир неча соат бутунлай тўхтаб қолди.

Адабиёт ва Санъат

• *Ижодий союзларда*

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи правлениеси секретариатининг бу йилги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда СССР музика фонди Ўзбекистон бўлимининг 1983 йилги фаолияти ҳақида ҳисобот ҳамда 1984 йилга мўлжалланган иш плани муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Молдавия Композиторлар союзининг бўлажак юбилей VI съездида, Боку шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ болалар музика ҳафталигида қатнашишга Ўзбекистон ССР Композиторлар союзида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди. Шунингдек, симфоник ва камер куйлар комиссиясининг СССР Композиторлар союзи Бутуниттифоқ симфоник музика комиссияси йиғилишига ҳисоботи ҳам муҳокама қилинди.

О. ЧАПЛИГИНА.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

ШУҲРАТ



ЎЛКАМДА ДЕНГИЗ ЙЎҚ...

— Ўлкамда денгиз йўқ!
Денгизинг бўлайин, эй она ерим!
— Шарт эмас,— дер ўлкам, —
Денгиз қалб одамларим бор!
— Ўлкамда вулқон йўқ!
Вулқонинг бўлайин, эй она қиним!
— Керакмас вулқон ҳам!
Вулқондек ўт юрак ҳамдамларим бор!

Денгизсиз яшамоқ мумкиндир, Бироқ,
Денгиз қалб кишилар бўлмаса чатоқ!
Вулқонсиз яшамоқ ажабмас, эй жон,
Ўт юрак кишилар бўлмаса ёмон!

ПИЁЛА

Оловда ёнмаса шу тупроқ, шу лой,
Ғубори кетмаса олов тафтида,
Қаёқдан кашф этсин шунчалик чирой,
Қаёқдан турарди одам кафтида!

Аввало лой эди суюқ ва қора,
Сўнг шакл кашф этди одам қўлида.
Оловда ҳуснини очди тобора,
Эзгу ҳис уйғонди тоза дилида.

Шу лойга ўхшайди ҳаётда одам,
Ишқ ўти қуйдириб аъло қилади.
Кўзида қайтадан яшариб олам,
Қалби пок, фикрини доно қилади!

Муҳаббат ўтида тобланган инсон,
Ҳам тоза, беғубор, ҳамда бенуқсон!

ЯХШИ ҲАМ СЕН БОРСАН...

Мен сени севибман—шу кундан бошлаб,
Нақ тикка чўққига чиқиб бораман.
Мен сени севибман — қўлингдан ушлаб
Фикримда ғазаллар ўқиб бораман.

Осмонга қарасам, осмон кенгайиб,
Қошимга яқинроқ келгандек қуёш!
Уфқни мусаффо нур билан чайиб,
Гўёки у дейди: — довонлардан ош!

Довондан ошмоққа қурбим етади,
Қўлингни қўлимдан қўймайман лекин.
Шу қўлинг қалбимга куч бахш этади,
Умидвор кўзингга боқаман секин!

Мен сени жонимдан севмасам балким,
Дунёда энг ғариб киши бўлардим.
Бунчалар ардоқлаб севмасди халқим
Эҳтимол назардан четда қолардим.

Эҳтимол қисматдан йиғлаб ўтардим,
Тилларим бунчалик бўлмасди бийрон.
Бир умр армай ҳасратим, дардим,
Ҳар ўтган бахтлига боқардим ҳайрон!

Яхши ҳам мен сени севибман жондан,
Яхши ҳам дунёда сен борсан, санам!
Даъвом йўқ қисмату жону жаҳондан,
Ишонгил, шу менга зўр инъом десам!!

ДУНЁНИНГ БУТУНЛИГИ

Қачондир нотаниш, бегона эдик
Сен мени билмасдинг, мен эса сени.
Нима ҳам бўлди-ю кейин таништик,
Ва ёшлик кўрсатди шунда ўзини.

Бош ирғаб кўришдик кўчада гоҳ-гоҳ,
Гоҳо қўл олишдик ҳол-аҳвол сўраб.
Гоҳида учрашдик билмасдан ногоҳ,
Мен қолдим баъзида ортингдан қараб.

Шу маҳал ортинга боққандинг сен ҳам,
Иккимиз ҳижолат тортгандек бўлдик.
Шу ҳолни хотирлаб юраман мен ҳам,
Бир куни ўзинг ҳам эсладинг — кулдик.

Шу сабаб бўлдими, ё бошқа нарса
Иккимиз қадрдон дўстмиз, эй дилбар!
Бир ҳафта кўзимиз кўришмай қолса,
Татимас устимдан биров сочса зар!

Кемтикка ўхшайди бу ёруғ дунё,
Етганга ўхшайди ҳуснига путур.
Гўёки оқишдан тўхтаган дарё,
Гўёки оламни чулғамаган нур!

Ўзимча ўйлайман, наҳотки, бир чоқ,
Мен уни танимай яшаган бўлсам!
Наҳотки шунда ҳам бут бўлган олам!
Қалбимни босади изтироб, титроқ.

Дунёнинг бутлиги унинг борлиги,
Ва менинг қалбимнинг унга зорлиги!

БИЛМАДИМ...

Бахтлиман, дейсан-у ёлғиз яшайсан,
Наҳотки ёлғизлик бўлса катта бахт!
Яна сен керилиб одим ташлайсан,
Ҳеч кимга қилмайсан ваъда ёки аҳд!

Ҳеч кимса келмайди сени сўроқлаб,
Ҳеч кимни таклиф ҳам этмайсан ўзинг.
Остонанг ҳамиша тоза ярақлар,
Кўринмас у ерда ҳаттоки изинг!

Билмадим, сенингча бахт ўзи нима,
Наҳотки, денгизда ёлғиз бир кема!

* * *

Фарзандлар онасин кўмсин-у, бироқ,
«Болам!» деб чирқираб қолмасин она.
Фарзандлар қўлида у ёққан чироқ,
Ва уни фарзандлар тутгай мардона!

Йўлини ёритгай ана шу чироқ,
Нур билан мавжлансин яқину йироқ!

●Шуҳрат—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир ва ёзувчи. Унинг асарлари кўпчиликка яхши таниш. У «Шинелли йиллар», «Олтин занглама», «Жаннат қидирганлар» сингари романлар, бир қанча драмалар ва шеърий тўпламларнинг муаллифидир.

Нозим ҲИКМАТ

• МИНИАТЮРАЛАР

Қуёшнинг ҳиди

Кеча тунда ухлаш учун ётаётганимда хотиним менга деди:

— Бугун кун худди ёздагидай ёруғ ва қуёшли бўлди. Мен сенинг тўшагингни балконга чиқариб, шомгача ёйиб қўйдим. Ёстиқ, чойшаб, кўрпалардан қуёш уфураётганини ҳис қиляпсанми?

Мен ўринга чўзилдим. Жуда толиққандим. Чироқни дарров ўчирдим. Ухлаш қаёқда дейсиз. Ёстиққа бош қўйиб, устимга кўрпани тортишим билан ҳамма ёқдан мени қуёшнинг иссиқ ҳиди қамраб олганини сездим.

Шу пайтгача қуёшнинг ҳиди нима эканлигини билмасдим. Уйқуни қувиб, кишини аллалайдиган қуёш ҳидини, яшил майсага, асалга, азиз ерга бериладиган бу ҳидни шу тунга қадар бирор марта ҳам туймаган эдим. Гоҳ ёзги тонгларни, гоҳ ёз чошгоҳлари, гоҳида эса ёзги шомларни эслатадиган ҳид, иссиққина ҳид!

Бошим остидаги ёстиқ гўё нур таратаётгандек, оппоқ кўрпа узра ёруғликнинг шуълалари югураётгандай.

Хона қоронғулиги қуёш ҳиди билан муноввар. Ҳидлар, айниқса қоронғуликда ақлдан оздиради, уларни ушлаб сезиш мумкин, уларни кўриш мумкин. Хона зулмати ҳам қизғиш ғишт мисол қуёшнинг ҳиди билан қиздирилган. Бундай иссиқ ҳавода мен ухлолмадим.

Ҳаётимнинг ярми яшаб бўлингандек туюлган менинг ёшимда, қуёш ҳидига шимдирилган ўринда сармаст бу қиш кечасидаги ногаҳоний уйқусизлик мени қувонтирди. «Демак, мен ўйлаганчалик томиримдаги қон ҳали совумаган экан, демак биз ҳали ёшмиз» — ўйладим мен. Мен ёшликнинг қуёш ҳиди ҳақида ўйлаб, бу ҳидни симириб, бутун тунни шундай ўтказдим.

Сен гўё ёш дарахт

Сен гўё ёш дарахт, нурли япроғлари бор ёш дарахтсан, тойчоғим. Сен тўйиш мумкин бўлмаган меваларинг таъмини ҳам, ўз япроғларинг шуъласини ҳам билмайдиган ёш дарахтга ўхшайсан. Шундай мевалар, шундай япроқлар борлигини сен ҳатто кўрмайсан.

Сен гўё денгизсан, дўмбоғим. Сенинг тўлқинларингда кумушранг балиқлар сайр қиладилар. Сенда кўзни афсунлайдиган энг нозик ва момиқ, энг майин сув гиёҳлари солланадилар. Аммо бу балиқлар жозибасини ҳам, у ерда сўзсиз чайқалаётган бу гиёҳларнинг беқиёс тароватини ҳам сен билмайсан.

Сен гўё баҳор шамолисан, тойчоғим! Фусункор ва ҳиммат ли тупроқнинг ифорларига қоришган баҳор шамолисан гўё сен. Сен нур тўлқинларидек Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа беташвиш ва шодумон эсиб турибсан. Сен ўз эсиш қудратингни ҳам, ўзингни қамраб олган ўшал ҳиднинг мислсиз гўзаллигини ҳам билмайсан. Агарда сен ўз меваларинг таъмини, япроқларинг сочган зиёларни, балиқларинг товланишини билганингда эди, қувончдан юрагинг паққа ёрилган бўларди. Сен ўзингни шундай севиб қолардингки, бу худбин меҳр гармселга айланиб, новдаларингдан мевалари юлқиши, даҳшатли қурғоқчиликка айланиб, балиқларни нобуд қилиши, ҳидларингни сочиб юборишни мумкин эди. Негаки, худбинлик киши қалбини ўраб олган илонга ўхшайди, ўғлим. У бошини кўтарган чоғда заҳарли тишларини ўзи беркиниб турган юракка санчади.

Сирожиддин САИДОВ таржималари.

• РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Деворий суратлар ижодкори



Кейинги йилларда рассомларимиз орасида қадимги миниатюра санъати анъаналарига қизиқиш маълум даражада кучайди. Бунда албатта Чингиз Аҳмаров, Шамсирўй Ҳасанова сингари атоқли рассомлар ижоди муҳим роль ўйнади. Эндиликда истеъдодли ёш рассомлардан Жавлон Умарбеков, Фарҳод Сулаймонов, Малик Бухарбоев, Темур Саъдуллаев ва бошқалар бу соҳада самарали ижод қилмоқдалар.

Миниатюра санъати ўзининг ёрқинлиги, тасвирларнинг нафислиги билан киши диққатини жалб этади. Ёш рассомлар бу санъат анъаналарини ижодий давом эттириб, уни янада бойитмоқдалар. Рассом Темур Саъдуллаевнинг ижоди ҳам бунга мисол бўла олади.

Темурда тасвирий санъатга қизиқиш жуда эрта уйғонган эди. Бу борада рассомнинг ўзи шундай хотирлайди: «Мен болалигимда ҳам расм чизишга қизиқар эдим. Уйимизда катта ун қутиси бўларди. Мен ўшанга паровоз, машина ва бошқа нарсаларнинг расмини чизганим чизган эди... Ғаллаорол райони, айниқса туғилиб ўсган қишлоғим — Қанғли манзаралари мени мафтун этарди».

Темур 1966 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетига ўқишга кирди. Ана шу йиллар унинг ижодий шаклланишида муҳим роль ўйнади. Рассом Чингиз Аҳмаровга шогирд тушди, у билан биргаликда кўпгина бинолларга деворий суратлар ишлашда қатнашди, катта санъаткорнинг ижод сирларидан баҳраманд бўлди. Чингиз Аҳмаров билан биргаликда Беруний номидаги Шарқшунослик институти бинаси, Самарқанддаги «Юлдуз» чойхонаси, Бухородаги Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройи ва Афшона посёлкасидаги «Афшона» чойхонаси деворларига ишланган суратлар қизғин изланиш ва ижод йиллари самарасидир.

Ҳозирги пайтда Темур Саъдуллаев Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида бош рассом бўлиб ишламоқда. У музей экспозицияларини бойитиш, безаш, классик ёзувчиларнинг асарларига суратлар ишлаш борасида самарали фаолият олиб бораяпти.

Кейинги пайтда рассом Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, «Ёш гвардия», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида чоп этилаётган бир қатор китобларга безаклар ишлади. Бу суратлар рассом ўз маҳоратини ошириш, янги-янги тасвир воситаларини кашф этиш йўлида дадил изланаётганлигидан далолат беради.

СУРАТЛАРДА: Абу Али ибн Сино ватанида бунёд этилган «Афшона» чойхонаси деворларига ишланган суратлар; Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг шеърлар китобига ишланган безаклар.

• Янги масаллар

КЎРНАМАК

Ниш отди чиққандек чақалоққа тиш,
Новдадан унди Ток топиб парвариш.
Бора-бора бўйи чўзилиб равон,
Бодринг палагидек шохлади ҳар ён.

Девор ошди охир бўлиб ҳавойи—
Торлик қилгандайин кўкарган жойи.
Хўш кўрнинб қўшни ҳовлиси бирам,
Бўлди Ток ўсувда қулочи илдам.

Бошлари кўплигин ул қўшни пайқаб,
Сўрига олди тез авайлаб, алқаб.
Бу ёқдан эмиб куч ҳам оби ҳаёт,
У ёқнинг кўзин Ток қувонтирди бот;

Баҳорий болдек ранг олиб ҳар ғужум,
Сўри синдиргудек етилди узум:
«Бахтим-да, ўтдиму ростланди қаддим,
Бир шода гуҳардек эъзозда қадрим».

Эҳ! Этиларди Ток аллақачон даф,
Агар наф кўрмаса эди у тараф.
Аламдир тўйиб ўз элин нонига,
Сув қуйса ўзгалар тегирмонига!

ОТАШ

Таралди Қозоннинг шаънига мақтов:
«О, манов қозонда пишсин-да палов!
Палов деганингиз бўладир илик,
Гўштлар гилосий ранг, гуручлар дирк-дирк!

Бор лаззатлар унда жамланиб бутун,
Кексани ёш, ёшни қиладир гулгун!
Бундай таомни, вей, ҳузурижон, денг,
Луқмаси бир хўроз қувватига тенг...»

«Қайнайдими-я у бўлмаса оташ?!—
Деди шунда Оташ қилиб ёв қараш.—
Қозон хизматин ким сўйлар кезида
Келурмиз қачон биз унинг эсига?!»

ОРТИҚ

Этикда Бармоқлар қисилиб бирам,
Бепарво Ортиққа қилдилар ситам:
«Ҳалақит беряпсиз, эзилиб кетдик,
Бир қаранг, эмасмиз, ахир, темир тан!
Сиз туринг ёки биз, ўларга етдик!»
«Шундоқми, унда мен қолақоламан».

Ямин ҚУРБОН.

• *Китоб жавонингизга*

Муҳим қўлланма

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти таниқли киношунос олим, филология фанлари кандидати Муҳсин Алиевнинг «Кино асослари» номли ўқув қўлланмасини кенг китобхонлар оммасига тортиқ эди. Бу муҳим қўлланма Тошкент Давлат маданият институтининг кўпминг кишилик студентлари билан бирга республикамиздаги барча маданият саройлари, маданият уйлари, клублар, бошқа турдаги жуда кўп маданият муассасалари ходимлари учун ҳам амалий ишларида фойдаланиш имкониятини берадиган масалалар ёритилганлиги билан янада қимматлидир.

Муҳсин Алиев қўлланмада бир-бири билан узвий боғланиб кетган уч йирик проблема — кино санъати тарихи, кино санъатида ижодий жараён ва маданий-оқартув ишида кинодан тарбия воситаси сифатида фойдаланиш проблемаларини ёритиб бериш вазифасини ўз олдига қўйган. Шу ижодий ниятдан келиб чиқиб, дастлаб, кино санъати ҳақида В. И. Ленин таълимоти, кино санъатида доҳий образининг яратилиши, Коммунистик партия ва Совет ҳокиматининг кино санъатига ғамхўрлиги, кино санъатининг качон ва қаерда пайдо бўлгани, бу санъат турининг Ватанимизга кириб келиш тарихи ҳамда шундан кейинги даврлардаги тараққиёт босқичлари муфассал текширилган.

Ҳар бир конкрет масала назарий таҳлил қилинаётган пайтда шу масаланинг тарихи авторнинг диққат марказида туради. Бунга қўлланманинг «Сценарий — фильмнинг асоси», «Режиссёрлик маҳорати», «Актёрлик маҳорати», «Операторлик санъати», «Рассомлик санъати», «Бастакор», «Дубляж санъати», «Ишлаб чиқариш группаси» сингари бобларни далил қилиб келтириш мумкин. Айни шу бобларда йирик ва атоқли ўзбек кино санъаткорларин и н г ижодий лабораториялариданд ибратли ўринлар саралаб олиниб, ёритиб берилган. Фильм турлари ва жанрлари, айниқса бадиий фильмлар, ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликацион фильмларга бағишланган ўринларда ўзбек кинематографияси ижодий тажрибалари умумлаштирилган.

Автор қўлланмада ёш авлодни тарбиялашда кинонинг ролини муфассалроқ ёритишга алоҳида аҳамият берган. Бунинг учун замонавий, тарихий ва уруш мавзуларида яратилган, шунингдек саргузашт ва комедия жанрларидаги айрим фильмлар ижодий ният тақозосидан келиб чиқиб саралаб олинган ва таҳлилдан ўтказилган.

Қўлланма охирида «Кино асослари» курсига оид асосий адабиётлар, шунингдек, ўзбек кино намояндалари ҳақидаги монографиялар рўйхати берилган.

Қ. РАСУЛОВ,
филология фанлари кандидати.

• САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Созанда қизнинг муваффақияти

Нукуслик ўн икки яшар виолончелист Раҳима Кулчигаева ўзининг биринчи имтиҳонини энг юқори баллга топширди. У Тошкентда ўз ишини тамомлаган ёш созандалар республика кўрик-конкурсининг ғолиби бўлди.

Кулчигаевлар оиласида ҳамма музикани севади. Раҳиманинг отаси Махсет Отажоновичнинг касби безатувчи рассом бўлишига қарамай, у кўпгина қорақалпоқ қўшиқларини яхши билади ва куйлайди. Онаси — Ҳамида Авазовна қурувчи-инженер, у гитара чалади. Уларнинг болалари эса ўзларини музикага бағишлашга қарор берганлар. Катта қизлари— Махида Глиэр номли мактаб-интернатни тамомлади ва ҳозир Тошкент Давлат консерваториясида ўқимоқда. Раҳима ўз опасидан ўрнак олиб, Глиэр номли мактаб-интернатга кирди. Ҳозир у 6-синфда ўқимоқда. Унинг репертуарида классик ва замонавий авторларнинг асарлари бор. Ўтган йили ёзда Раҳима ўзи ўқиётган музика мактаби виолончелистлар ансамбли билан биргаликда Балтика бўйи ва Москвада ўз санъатини намойиш қилди.

Раҳима опаси сингари консерваторияда ўқишни ва болаларга музикадан дарс беришни орзу қилади. Раҳиманинг конкурсда ғолиби бўлганлиги келгусида унинг орзуси ушалишидан дарак беради. Маълумки, конкурсда республикадаги 300 та болалар музика мактабининг ўқувчилари иштирок этди.

(ЎзТАГ).

• «ЗАНГОРИ ЭКРАН» АСАРЛАРИ

«Дунёнинг ишлари» видеофильми

Инсон учун онага бўлган муҳаббатдан муқаддас туйғу йўқ. Бу туйғу бир умрга бизга ҳамроҳ бўлади. Оғир дамларимизда мадад беради, ширин хотираларни ёдга солади.

Она ҳақида, унинг фарзанд учун фидойилиги, она қалбининг улуғворлиги ва гўзаллиги ҳақида кўплаб асарлар битилган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси ҳам худди ана шу мавзуга бағишланган. Асар адабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди, Ойбек номидаги мукофотга сазовор бўлди. Барча меҳрибон, бағри дарё оналарнинг умумлашма образи яратилган бу асарни китобхонлар севиб мутолаа қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлик» студияси «Романтика» телевизион театрида бу асар асосида видеофильм яратилиши мамнуният билан кутиб олинди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати М и р а б б о с М и р з а а ҳ м е д о в бошчилигидаги ижодий группа таъсирчан, ёрқин саҳна асари яратишга муваффақ бўлган. Риҳси Иброҳимова, Манзура Ҳамидова, Икрома Болтаева, Саидкомил Умаров, Тоҳир Миралимов, Тамара Маҳкамова, Гулираъно Ҳакимова ва жажки актёрлар Шуҳрат Ҳакимов, Миролим Мирзааҳмедовлар ўзига хос, ишонарли образлар яратишган.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Рихси Иброҳимова ўзининг она образини яратиш борасидаги изланиши ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Мен Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарини ҳаяжон билан ўқиб чиққан эдим. Режиссёр Мираббос Мирзааҳмедов шу асарни экранга олиб чиқаётганини, ундаги она образига мени таклиф этаётганини эшитганимда, тўғриси бир оз чўчидим. Чунки бу образни яратиш унчалик осон эмас эди. Айни пайтда ғоят бардошли, иродаси кучли, болажон бу онанинг сиймосини яратиш ҳар бир актриса учун шарафлидир. Шу боис режиссёр таклифига рози бўлдим. Маълумки, асарда узвий сюжет йўқ. У кичик-кичик ҳикоялардан иборат. Фақат она образигина ана шу ҳикояларни бирлаштириб туради. Шу боис бу образни яратувчи актриса зиммасига катта масъулият тушар эди. Режиссёр ва ёзувчи билан ҳамкорликда узоқ иш олиб бордик. У қандай самара берганлигини холис ҳакам—томошабинлар айтишади.

БУГУН

ва эртага «Дунёнинг ишлари» видеофильми телетомошабинларнинг талабларига биноан «зангори экран» орқали яна намойиш этилади.

М. АКРОМОВА.

* * *

СУРАТДА: режиссёр М. Мирзааҳмедов (чапда) актёрлар билан иш олиб бормоқда.

КЎРИК-КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

Республика мактаб ўқувчиларининг бир неча босқичда, икки ой давом этган ёш музикачи ва ашулачилар кўрик-конкурси ниҳоясига етди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган кўрик-конкурсининг якунловчи этапида ғолиблардан 52 ёш санъаткор қатнашди. СССР халқ артисти Саодат Қобулова раҳбарлигидаги жюри ҳайъати ёш музикачи ва ашулачилар маҳоратига юксак баҳо берди. Ҳамшаҳарларимиз 22-музика мактаби ўқувчиси, ёш пианиночи Э. Алимов, 15-музика мактаби ва Глиэр номли музика мактаб-интернати ўқувчилари С. Карташев, Ш. Рўзиевалар кўрик-конкурс ғолиби бўлдилар.

Н. ШАМСИДДИНОВ.

• ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯДАН РЕПОРТАЖ

Микроблар... телевизорда ҳам яшайди

Каунас радиозаводи конструкторларининг муваффақиятларига биологларнинг ҳам ҳақли равишда ҳиссаси бор. Улар ясаган митти — «Шилялис» телевизори давлат Сифат белгисига сазовор бўлди.

Литва ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг олимлари телевизион программа кўрсатиш сифати ёмонлашса — тасвир бузилса, товуш йўқолса —бунга ҳамиша ҳам телевизор ясовчилар айбдор эмасликларини аниқладилар. Кўпгина ҳолларда бу «ишларни» аппарат деталларини яшайдиган жой этиб танлаб олган микроскопик замбуруғлар қилади. Шунинг учун эндиликда янги моделларни ишлаб чиқишда биологларнинг тавсиялари ҳам назарда тутилмоқда — олимлар биокоррозияга қарши энг чидамли деб топган материалларгина ишлатилмоқда.

...Биз институтнинг биодеструкторлар лабораториясидамиз. Лаборатория раҳбари А. Лугаускас микроскоп —орқали қарашимизни таклиф этади. Шунда океан туби манзарасига ўхшаб кетадиган бир манзара намоён бўлади. Бу нарса минг марта катталаштирилган пўпанак турларидан бири экан.

— Синтетика эндигина ишлатила бошлаган пайтларда сунъий материаллар жамики биокоррозиядан қутултиради, деган фикр ҳукм сурарди, дейди А. Лугаускас.— Аммо тез орада баъзи микроорганизмлар капрон, полиэтилен, резина каби «емишга» ҳам мосланиб кета олди. Бизда шунақанги энг агрессив замбуруғлар бутун бир коллекцияси йиғилган. Биз энди шулардан индикатор сифатида фойдаланяпмиз: уларга «ёқмайдиган» материалларни индикаторлар ёрдамида танлаб олиш мумкин бўлмоқда.

Лаборатория раҳбари микроорганизмлар яна бир коллекциясини кўрсатади. Бу ерда пластмассаларнинг баъзи турларини органик ўғитга айлантириш борасидаги тажрибаларга аталган замбуруғлар йиғилган. Ҳозир олимлар Охтадаги «пластполимер» бирлашмасининг мутахассислари билан биргаликда энг янги ечимларни практикада синаб кўрмоқдалар. Жумладан улар Вильнюс яқинидаги «Панерис» совхозида турли замбуруғларнинг полиэтилен плёнкадаги «иш қобилият» даражасини синаб кўриб, шулардан эскирган плёнкани тезда нафли ўғитга айлантира оладиганларни танлаб олмоқдалар.

(ТАСС)

ПЕШҚАДАМЛАР ОМАДСИЗЛИККА УЧРАДИ

«Катта Чимён» Кубоги учун ўтказилаётган тоғчанғи спорти бўйича халқаро мусобақаларда тасодиф юз берди. Барча мутахассислар ва спортчилар армиячи Михаил Тимофеев ва Ленинграддаги «Труд» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Игорь Кордиякони ғолиблар сафига қўшилади деб ўйлашган эди. Уларнинг ишончини спортчилар биринчи уриниш баҳсларида оқлашди. Михаил биринчи, Игорь иккинчи натижа кўрсатди. Аммо иккинчи уринишда эса улар омадсизликка учрадилар. Ҳаракатни бошқара олмай трассадан чиқиб кетишга мажбур бўлишди.

Икки уриниш якунига кўра Чимёнда ўтказилган аввалги мусобақаларнинг совриндори армиячи Олег Крисанов биринчи ўринни эгаллади. 20 ёшли спортчи учун бу катта ғалаба дейиш мумкин. Мамлакатимиз терма командасининг аъзоси Петропавловск-Камчатсклик Андрей Шелепов иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи совринли ўринга чехословакиялик чанғичи Антонин Новатний кўтарилди.

Эркаклар ўртасида гигант слаломда ўтказилган баҳсларда 65 чанғичи ғолиблик учун баҳс юритди. Уларнинг орасида республикамиз терма командасининг аъзолари чимёнлик спорт мастери Анорқул Ғойипов ва тошкентлик спорт мастерлигига кандидат Родион Стенин ҳам бор эди. Улар ўзларига кўрсатилган ишончни оқлаб, 21 ва 22-ўринни эгаллашди.

ФОТОАХБОРОТ

Сергелидаги 3-ўрта мактабнинг тарих музейида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

СУРАТДА: ўқувчилар кўргазма экспонатлари билан танишмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

● НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Уйда лимон етиштирсангиз

Ҳурматли редакция! Мен уйимизда парваришлайман. Энди уй шароитида етиштириш ва қайси усул билан ҳосил олиш ҳақида маслаҳат берсангиз.

Ботирхон АШРАПХОНОВ, инженер.

Лимон мевасида кўпгина дармондори борлигидан халқ табобатида қадимдан қадрланган: диатез, атериосклероз, цинга, томоқ оғриғи касалликларини даволашда, яра-чақаларни тузатишда ундан яхшигина фойдаланиб келинган. Лимонда А, С, Д дармондориларидан ташқари, организмда мавжуд бўлган тузларни тез эритувчи лимон кислотаси, организм чарчаганда ҳосил бўладиган сут кислотасининг заҳарли таъсирини кесувчи алкалоид — нарингин ҳам бор.

Шундай ажойиб ўсимликни уй шароитида ўстириш мумкинми?

Тошкент шароитида лимон дарахтини балконда, террасаларда ўстириш мумкин. Бунинг учун балкон, терраса жанубий-шарққа, жануба, жануби-ғарбга қараган ва қўшқават ойна қўйилган ром билан бекитилган бўлиши керак. Бунда қўшимча иситиш талаб этилмайди. Шундай шароитда лимон гуллаб, яхшигина ҳосил беради.

Маълумки, лимон 14—15 даража иссиқда яхши ғунчалаб, гуллайди ва ғуж ҳосил тугади. Лимоннинг энг мақбул вегетацияси ҳарорат 17 даража бўлганда кузатилади. Ҳаво ҳарорати 25—30 даража кўтарилганда кўпчилик ўсимликларда кузатилганидек, лимонда ҳам фотосинтез кескин камайиб кетади, намни кўплаб сарфлайди, нам қисман етмай қолганда эса ғунча, гул ва меваларини, ҳатто барглари ҳам тўкиб юборади. Муҳит ҳарорати ўртача 9 даража атрофида бўлганда лимон ўсишдан тўхтайди.

Лимон дарахти ёруғлик ва намга жуда ўч бўлганлигидан у ўтказилган тувак жанубга қараган ойна олдига қўйилгани маъқул. Яна уни бот-бот суғориб, кечқурун ва эрталаб сув пуркаб туриш керак. Лимонга ҳаво намлиги юқори бўлганда ижобий таъсир этади, айни ҳолда қуруқ ва иссиқ хонада тез касал бўлади, роса узоқ вақт ҳосил бермайди.

Уйда ўстириладиган лимон дарахтининг 3—4 тартибдаги шохларида гул пайдо бўлади ва мева беради. Уй шароитида лимоннинг гуллаши ноябрь ойи бошларидан то мартгача, ҳатто май ойигача ҳам давом этаверади. Мева шаклланиб, тугунча ҳосил қилгач, гулдан тўхтайди.

Лимоннинг ёввойиси бўлмайди, унинг уруғидан кўкартириб, кўчат олишни ҳамма билади. Лекин қандай йўл билан унинг мева берадиган тартибдаги шохини яратишни билиш керак. Бу, лимон шохларини тўғри кесиш йўли билан амалга оширилади.

Маълумки, уруғдан кўкарган лимон унча-мунчага касалланавермайди. Илдизи бақувват ва сертармоқ ўсади. Уй шароитида уруғ кўкариб чиққанданоқ, у ўйга тўла мослашган бўлади.

Хўш, уруғдан кўкарган лимоннинг бу хусусиятидан фойдаланиб, унга ҳосил бериб турган лимон куртагини ёки шохчасини пайванд қилинсачи?! Бу айни кутилган натижани беради. Февраль ойида пайванд қилинган шохча июнь ойида гуллайди, мева тугади. Пайванд қилинган пайтга бориб, меваси етилади.

Ўтган йили февраль ойида бир қизиқарли тажриба ўтказдик. Уруғдан кўкарган апельсинга лимон шохчаси уланди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ учинчи тартибли мева берадиган шох олинди. Бунга қуйидагича эришилди: 2—2,5 миллиметр йўғонликдаги ҳосил бераётган лимоннинг 2—3 куртакли шохчаси апельсинга уланди. Бунда пайванд кўкаришдаёқ иккинчи тартибли, ўсувчи учи чимдилганда эса учинчи тартибли шох олинди. Куртак пайванд қилинганда эса, учинчи тартибли шохни бир йил ичида олиш жуда қийин. Айни ҳолда, уй шароитида юқоридаги тартибда пайванд қилинганда ўша йилнинг ўзида ҳам ҳосил олиш мумкин. Айниқса қишда терраса ёки балконда ғуж гуллаб турган, ёинки меваси осилиб турган ям-яшил лимон дарахти кишига шифобахш меваси билангина эмас, таърифга сиғмайдиган чексиз эстетик завқ бериши билан ҳам қимматлидир.

Қаловини топсанг — қор ёнар, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, уйда лимон ўстиришни хоҳловчи ҳар бир ҳаваскор боғбоннинг қўлидан келади бу.

Ё. ҚАРШИБОЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.
У. ҚАРШИБОЕВ,
ҳаваскор боғбон.

● МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Ҳар куни дастурхондан ортган нонни эримай тўғраб, офтобда ёки духовка патнисида қуритиб қўйинг.

● Қаттиқ нонни кусур-кусур чайнасангиз тишларни ва милкларни мустаҳкамлайди.

● Қаттиқ нонни селликкина салатга ёки шўрвага ботириб ейилса таом қандай масаллиқлардан тайёрланган бўлса, ўшанинг лаззати нонга яхши эмилиб, жуда хушхўр бўлади.

● Гўшт ва картошкадан қовурма тайёрланг-да, унга қаттиқ нон бўлакларини ҳам қўшиб юборинг. Қовурманинг мазаси ҳам яхшиланади, ҳажми ҳам кўпаяди.

● Қаттиқ нонни гўшт қиймалагичдан ўтказсангиз, яхшигина талқон бўлади. Бир стакан нон талқонга бир ош қошиғида шакар аралаштириб, сут билан бирга нонуштада дастурхонга тортинг.

● Ошқозон бузилиши касаллигининг, ҳатто дизентериянинг давоси қаттиқ нон эканлиги минг йилдан буён халқ табобатида қўлланиб келинади.

● Нон талқондан кисель тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун қаттиқ нонни мясорубкадан ўтказсангиз талқон бўлади. Унга бир оз сув қўшиб ийланади. Қаймоқ қуйиқлигига келганда сут қўшилади-да, суст оловга қўйиб доим қавлаб турган ҳолатда ўн минутча пиширилади. Сўнгра шакар ёки суйилтирилган асал қўшилади. Ушбу кисель ҳавода совутилгач, пиёлаларга қуйиб дастурхонга тортилади.

● Кўнгли айниб, беҳуш бўлган кишига қаттиқ нонни қайноқ сувда ивитиб сели ичирилса, дарров ҳушига келтириб қўяди.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● 100 ЁШ — ЧЕГАРА ЭМАС

Шимолий Осетиянинг Раздзог қишлоғи аҳолиси ҳамқишлоқлари бўлмиш энг кекса аёл — Цуца Козаеванн таваррук ёши билан қизғин муборакбод этдилар. Бу онахон 125 ёшга тўлди.

— Мен қишлоғимизга қувончли хабар — Октябрь революцияси бўлганлиги ҳақидаги хабар келган кунни жуда яхши эслайман, — дейди Цуца буви. У халқимнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди...

Шу ердаги колхоз ветерани Цуца Козаева хўжалиқнинг юксалиши учун кўп куч-ғайратини сарфлади. 90 ёшга тўлгандагина дам олиш истагини билдирди. Унинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари бир неча бор ёрлиқлар, ташаккурномалар, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг медаллари билан тақдирланган.

Ҳозирги вақтда ҳам Цуца буви тиниб-тинчимайди. Уни қишлоқ Советида тез-тез учратиш мумкин. Бувининг доно маслаҳатларини ҳамма қулоқ тутиб эшитади, у қишлоқда ўтказиладиган тантана ва маросимларда кавказча расм-русм бўйича ёшларга оқ фотиҳа беради.

Бувининг 150 невара, эвара ва чеваралари бор. Уларнинг ҳаммаси ўз касбига муҳаббат қўйган кишилар бўлиб, механизатор, ишчи, ўқитувчи, врач, инженерлик вазифаларида сидқидилдан ишламоқдалар.

● ҲАЙВОНОТ БОҒИДА — РАСМЛАР САВДОСИ

Стокгольмдаги (Швеция) ҳайвонот боғи ўзига ўхшаш муассасалар фаолиятига ҳеч тўғри келмайдиган иш билан— расмлар савдоси билан шуғулланади. Бу ерга махсус таклиф этилган рассомлар ҳайвонлар ҳаётини тасвирловчи суратларни чизиб ўз асарларини ишқибозларга пуллайдилар. Шундай йўсинда ишлаб топилган маблағлар ҳайвонот боғининг бюджетини бойитади, деб ёзади ГДРда чиқадиган «Трибюн» газетаси.

● СУНЪИЙ ҲОМИЛА БИЛАН... ДУНЁГА КЕЛГАН ТЎРТ ЭГИЗАК

Венгриянинг МТИ телефон агентлиги Австралиянинг Сидней шаҳрида яшовчи аёл сунъий йўл билан ҳомила ҳосил қилиш натижасида тўртта эгизак туққанлигини хабар қилди.

Врачларнинг хулосасига кўра, она ва болалар ўзларини яхши ҳис этишяпти. Агентлик хабарида таъкидланишича, бу сунъий ҳомила ҳосил қилиш натижасида жаҳонда биринчи марта эгизакларнинг дунёга келишидир. Бундан ташқари МТИ агентлиги шундай бир фактни ҳам келтиради: сунъий йўл билан ҳомила ҳосил қилиш натижасида дунё юзини кўрган барча чақалоқларнинг 75 проценти Австралияда туғилган.

● ИНСОНГА ҚАНЧА КИСЛОРОД КЕРАК?

Ҳеч қандай иш билан шуғулланмайдиган бир киши кунига 360 литр кислородни истеъмол этади, зўр ғайрат билан ишлайдиган бир киши эса 700—900 литр кислородни талаб этади.

Лекин бу сўзларнинг ҳаммасини енгил автомашина билан солиштирсангиз унинг шунчаки бир гап эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Енгил автомашина минг километр йўл босганда битта одамга бир йилда сарфланадиган кислородни «ютади». Америкадан Европага учиб борадиган реактив самолёт эса 35 тонна кислородни йўқ қилади.

Воғга етган катта дарахт эса бир суткада 180 литргача қислород ишлаб чиқаради. Юқорида келтириб ўтилган рақамларнинг маъзини бир чақиб кўринг-а: ўрмонларни муҳофаза қилиш нақадар зарур ва шарафли иш эканлигини яна бир бор англайсиз!

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 18/I да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да **Олифта,** 18/I да **Хотинимнинг эри.**

кино

16 ЯНВАРДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖУНАТИЛМАГАН УЧ МАКТУБ» — **Санъат саройи** (18.30, 20.30). Телефон 44-21-74; **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.00, 21.00). Телефон 78-47-25; **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17.00, 20.00). Телефон 33-44-52; **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00). Телефон 53-65-87.

«АМЕРИКАЧА ЎҒИРЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда). Телефон 77-06-20; **Ватан** (жуфт соатларда); **Нукус** (тоқ соатларда). Телефон 46-70-69; **Қозоғистон** (жуфт соатларда. Телефон 35-24-92.

«ЕНГИЛМАС» — **Фестиваль** (тоқ соатларда). Телефон 32-78-02; **Янгиобод** (тоқ соатларда). Телефон 96-36-21.

«БЕҲУДАГА ЎҚ УЗМА» — **Искра** (жуфт соатларда). Телефон 39-14-59).

«БОЛАКАЙЛАР» — **К. Ёрматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда). Телефон 33-05-01.

«МАРИЯ БРАУННИНГ ТУРМУШ ҚУРИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда). Телефон 33-05-01.

«КАСКАДЁРЛАР» — **Қозоғистон** (11.00, 15.00, 19.00). Телефон 35-24-92.

17 ЯНВАРДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖУНАТИЛМАГАН УЧ МАКТУБ» — **Санъат саройи** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.30). Телефон 44-21-74; **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00). Телефон 78-47-25; **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). Телефон 33-44-52; **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00). Телефон 53-65-87.

«АМЕРИКАЧА ЎҒИРЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда). Телефон 77-06-20; **Ватан** (жуфт соатларда); **Нукус** (тоқ соатларда). Телефон 46-70-69; **Қозоғистон** (жуфт соатларда. Телефон 35-24-92.

«ЕНГИЛМАС» — **Фестиваль** (тоқ соатларда). Телефон 32-78-02; **Янгиобод** (тоқ соатларда). Телефон 96-36-21.

«БЕҲУДАГА ЎҚ УЗМА» — **Искра** (жуфт соатларда). Телефон 39-14-59).

«БОЛАКАЙЛАР» — **К. Ёрматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда). Телефон 33-05-01.

«МАРИЯ БРАУННИНГ ТУРМУШ ҚУРИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда). Телефон 33-05-01.

«КАСКАДЁРЛАР» — **Қозоғистон** (11.00, 15.00, 19.00). Телефон 35-24-92.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
17—18 январь соат 19.30 да
С. М. КИРОВ НОМИДАГИ ЎШ ЎЗБЕК МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ КАТТА КОНЦЕРТИ ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Т. БАДИНОВ
Солист — Расулжон Уранмжонов.
Интермедия — Каримжон Ўрунов.
Иллюзия мўъжизаларида — **Турсун МАЛИКОВ** ва бошқалар.
Касса соат 10 дан очиқ, заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги
РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ КУРСЛАРИ
кундузги ва кечки бўлимга
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Курслар ўзбек ва рус тилларида замонавий иш юритувчилик асосларини эгаллаган секретарь-стенографистка лар ва машинисткаларни тайёрлайди.
Ўқувчилар курсларга бир йилда 2 марта қабул қилинадилар:
июль—августда, машғулотлар 1 сентябрда бошланади;
декабрь—январда, машғулотлар 1 февралда бошланади.
Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй (Бешёғоч, Комсомол кўли ёнида).
Ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача. Телефон 44-30-61.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
20 ЯНВАРДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
«ЭКЗОТИК ФАНТАЗИЯ» АТТРАКЦИОНИ
УРГАТИЛГАН ГАМАДРИЛЛАР ГРУППАСИ
Ўргатувчи — Тамара ШАТИРОВА.
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА.
Москва цирки масхарабозлари: Виктор РОШЧИН, Олег ПЕТРОВ ва Борис АРТЁМЬЕВ донмо манежда.
Томошалар соат 19.30 минутда, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 минутда, якшанба кунлари эса соат 11, 14, 18.00 да бошланади.
Кассалар соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда. 44-35-91 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ СПРАВКАЛАР ОЛИШ МУМКИН.

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР-РАССОМЧИЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ
ЎҚУВ ТЕАТРИНИНГ РЕПЕРТУАРИ
21 январда АНЪАНАВИЙ ИИҒИЛИШ.
Икки кўринишли поэтик драма.
(Рус драмаси 4-курсининг диплом спектакли).
Д. ВЕРДИ.
16 январда — ТРАВИАТА.
Тўрт кўринишли опера.
(Музикали театр бўлими рус группаси 5-курсининг диплом спектакли).
УИҒУН, ИЗЗАТ СУЛТОН.
20 январда — АЛИШЕР НАВОИЙ
Икки кўринишли поэтик драма
(Ўзбек драмаси 4-курсининг диплом спектакли).
28 январда — «ЭКСПЕРИМЕНТ» КЛУБИ.
Театр институтининг Э. Каландаров раҳбарлигидаги «Дебют» чолғу ансамблининг учрашув концерти.
Спектакллар соат 19.00 да бошланади.
56-45-68 телефон орқали билетларни буюртириш мумкин.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
18 январь соат 15.00 ва 19.30 да
ШЕКСПИРНИНГ
«ГАМЛЕТ»,
«РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА»,
«ПАВАНА МАВРА» (Отелло)
асарлари асосидаги балет триптихи
ПРЕМЬЕРАСИ
Жульетта, Офелия, Дездемона ролларини — СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати
БЕРНОРА ҚОРИЕВА ижро этади
Спектаклда театрнинг етакчи солистлари қатнашадилар.
Билетлар А. Навоий номли театр кассасида сотилмоқда. 33-90-81 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

ҚОЗОНДА ТАОМ ЯЙРАБ ПИШАДИ

Бирорта тажрибали пазанда йўққи, у палов дамлаш учун биринчи навбатда қозон тайёрламаган бўлсин. Чиндан ҳам қозон таомларни пиширишда жуда қўл келади. Айниқса, шўрва, мастава, лағмон унда яйраб, қиёмига етиб пишади.

Агарда қозон бўлмаса сиз бундай таомларни тайёрлашга журъат эта оласизми? Албатта йўқ. Барибир миллий таомни қозонсиз пириб бўлмайди.

БУНИНГ УЧУН ЭНГ ЯХШИСИ
«ТАШХОЗТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН
ҚОЗОН СОТИБ ОЛИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ АДРЕСИ:

1 — Пролетар кўчаси, 49-уй;
2/2 — Биринчи Май бозори;
4 — Фарҳод кўчаси, 17-уй;
6 — Энгельс кўчаси, 94-уй;
7 — Госпиталь бозори;
8 — Черданцев кўчаси, 27-уй;
9 — Строительная кўчаси, 1-уй;
10/1 — Фарҳод ярмаркаси;
11 — Энгельс кўчаси, 46-уй;
16 — Морозов кўчаси, 25-уй;
17 — Сергели массиви (бозор);
22 — «Минг хил майда-чуйда» — Муқимий кўчаси, 4-уй;
23 — Волгоград кўчаси, 14-уй;
30 — Навоий кўчаси, «Дўстлик» ярмаркаси;
31 — Боткин кўчаси, 7-уй;
32 — Юнусобод массиви (бозор);
35 — Жангоҳ майдони (Октябрь бозори).

«ТАШХОЗТОРГ» (Телефон 91-59-43).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-95-91).

ТВ

душанба

16 ЯНВАРЬ
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Уфқ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Вакант лавозим — рационализаторлик». Мамлакат саноат корхоналарида ижодий лабораториялар тузиш тажрибаси ҳақида.
20.10 Останкино концерт студиясида совет поэзияси кечаси. Кўрсатувни шоир А. П. Межиров олиб боради).
21.30 «Время».
22.05 Останкино концерт студиясида совет поэзияси кечасининг давоми.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 Трамплиндан сакраш бўйича жаҳон кубоги. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари
I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
18.40 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...».
19.05 «Якунлар ва истиқболлар». «Бизнинг интервью» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳалима Носирова». Ҳужжатли фильм премьераси («Узкинохроника»).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 1-қисм.
23.40 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Оққушлар, учиб кетманглар». Телефильм.
18.25 «Чапаев». Бадиий фильм.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Қизиқувчилар экрани».
20.50 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.

сешанба

17 ЯНВАРЬ
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время».
9.40 «Биз ҳаммамиз тинчлик тарафдоримиз». Музикали-адабий композиция.
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Мушукнинг уйи». Мультфильм.
11.20 «Мен ҳам ўз орзуимга боқаман». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.50 «Қалбга яқин қўшиқлар».
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.00 Г. Бакланов. Асарлари саҳифаларида.
16.45 «Пети ва копток». Мультфильм.
16.50 «Давлат ишлари — халқ ишлари». СССРда давлат ҳокимияти органлари системаси ҳақида
17.20 Бутунроссия конкурси лауреати Ю. Евтушенко чалади (гусли).
17.40 «Онамларнинг мактаби».
18.10 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 «Театр ҳақида ҳикоялар». СССР халқ артисти Б. Бабочкин.
23.20 «Спорт ҳафталиги».
23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

11.35 ва 12.40 Физика. 8-синф.
12.05 «Шаҳмат мактаби».
13.10 Умумий биология. 9-синф. Эволюциянинг асосий йўналишлари.
14.10 Чет эл тасвирий санъати. Рембрандт.
14.55 «Сен қонунни биласанми?»
15.35 А. Гайдарнинг ҳаёти ва китоблари.
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қишлоқ янгиликлари.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Самарадаги ташвишли тунлар». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.10 Эстония ССР Давлат симфоник оркестри чалади.

Узбекистон телевидениесининг программалари
I

11.15 Кўрсатувлар программаси.
11.20 Янгиликлар.
11.30 Математика. Сонларни бўлиш ва касрлаш.
12.00 «Тиним билмас кишилар». Телефильм.
12.30 Адабиёт. К. Яшин — драматург.
13.00 «Боганч». Бадиий фильм. (рус.).
14.20 Янгиликлар.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Янгиликлар.
18.15 «Дўстлик поезди». Болалар учун фильм-концерт.
18.45 «Тенгдошларнинг ижоди» (рус.).
19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Партия турмуши».
20.20 «Цей эскизлари». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек классик қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чимёнда катта чанғи спорти мусобақалари».
22.20 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 2-қисм.
23.40 Янгиликлар.

II

9.00—16.25 МТ II.
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Майин камалак». Телефильм.
18.25 Математика ўқитувчилари учун консультация.
18.55 «Океандаги ороллар». Телефильм.
19.15 «Илмий-техника тараққиёти —халқ хўжалигига» (рус.).
19.45 Янгиликлар.
20.05 «Боболар ери». Бадиий фильм.
21.30 МТ II.

Тошкент маданий-оқартув техникумининг коллективи ўқитувчи К. Ф. Орифовга онаси
Ҳосият ЖУРАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

16 ЯНВАРЬ, 1984 й. Р—10025. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12